



83

10» МАРТ 2014 йил

№ 69-4

Кушработ тумани

Кушработ шаҳарчаси Қўролос маҳалласи
худудидан ҳаммом биноси, маросимлар
ўтказиш мажмуаси ҳамда маиший хизмат
кўрсатиш шахобчалари қурилиши учун
ер участкаси танлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси", "Шаҳарсозлик Кодекси", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги "Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартибларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 150-сонли қарори, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2014 йил 13 февралдаги 04/3-51 рақамли йиғилиш баённомаси ижроси юзасидан ҳамда туман ҳокимининг фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2014 йил 10 мартдаги далолатномасини кўриб чиқиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига таянган ҳолда

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Кушработ шаҳарчаси Қўролос маҳалласи худудидан ҳаммом биноси, маросимлар ўтказиш мажмуаси ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилиши учун 0.80 гектар ер майдони танлаш бўйича туман ҳокимлиги ишчи комиссиясининг 2014 йил 10 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Кушработ шаҳарчаси Қўролос маҳалласи худудидан ҳаммом биноси, маросимлар ўтказиш мажмуаси ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилиши учун 0.80 гектар ер майдони танлансин.
3. Туман бош архитектору (М.Райимов)га қурилиши мўлжалланган Ҳаммом биноси, маросимлар ўтказиш мажмуаси ҳамда маиший хизмат шахобчалари қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, тегишли ташкилотлардан хулоса олиш, архитектура ва шаҳарсозлик талабларига риоя қилиниши юзасидан дўимий равишда назорат қилиш вазифаси тпширилсин
4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (М.Райимов) ва туман "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими (Ф.Қўчқоров)лар зиммасига юклатилсин.
5. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимиянинг биринчи ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

О.Алиходжаев